

ХАБАРЛАР

Хусийлар Саудия Арабистонига қарши денгиз блокадаси билан таҳдид қилди

дақиқа аввал



Эронга яқин бўлган Яман хусийлари Саудия Арабистонига қарши денгиз блокадаси жорий этишини эълон қилди.

Бу қадам Форс кўрфазидан ташқарида ҳам жаҳон энергия таъминоти ва савдо йўлларига янада каттароқ таҳдид туғдириши мумкин.

Хусийлар блокада дарҳол кучга кириши ва бу Яманга қарши адолатсиз деб ҳисобланган Саудия раҳбарлигидаги қамалга жавоб, деб таъкидламоқда.

Бу баёнот Боб ал-Мандаб бўғозига эътиборни қаратди. Ҳормуз бўғози амалда ёпилганидан кейин ушбу йўлак Саудия нефти экспорти учун муҳим йўналишга айланган.

Бўғоз тўлиқ ёпилган тақдирда, жаҳон нефть таъминоти 7 фоизга қисқариши мумкин. Бу Форс кўрфазидаги можаро сабабли аллақачон нефт ташиш ҳажмининг тахминан 10 фоизга камайишига қўшимча бўлади.

Хусийлар Яманнинг Қизил денгиз соҳиллари катта қисмини назорат қилади. Ушбу ҳудуд Боб ал-Мандаб бўғози деб аталадиган стратегик тор йўлакка туташган.

Эроннинг Ҳормуз бўғозини деярли тўлиқ блокада қилиши Саудия Арабистонини кунлик одатий хом нефт экспортининг 70 фоиздан кўпроғини Қизил денгиздаги Янбу портига йўналтиришга мажбур қилди.

Kpler ва Signal Ocean маълумотларига кўра, сўнгги ҳафталарда Янбу портидан жўнатмалар ўртача кунига 4 миллион баррелни ташкил этган.